

Халқ сўзи


Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 20 март, №63 (3175)

Пайшанба



Олий Мажлисда

Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Европа Иттифоқи Комиссияси "Европа-Эйд" дастурининг "Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга қўмаклашиш" лойиҳаси билан ҳамкорликда "Қонуларнинг ижросини ташкил этиш меха-

низмлари" мавзусида семинар ўтказди. Унда Олий Мажлис депутатлари, олимлар ва мухассислар сўзга чиқди. Шунингдек, мазкур лойиҳанинг германиялик эксперти Вольфганг Бабекининг маърузаси тинланди. Мамлакатимизнинг бир қанча муассасалари ва ташкилотлари вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда кенг

қўламда фикр алмашинилди, долзарб муаммолар муҳокама этилиб, уларни ҳал этиш йўлларини излаш асносида чет эл тажрибасини қўллаш имкониятларини таҳлил этишга ҳаракат қилинди. Таъдир қизиқарли ва амалий руҳда ўтди.

(ЎзА).



Жаннатмонанд юртимиз Наврўз тантаналари оғушида. Ушбу кунларда диёримизнинг қай бир гўшаси — яқини йироқи, шаҳар қишлоғига борманг, байрам шукўҳини ҳис этасиз. Мамлакатимизнинг асосий байрам тадбирлари ўтказилиши мўлжалланган Юнусобод теннис мажмуасида ҳам байрамга тайёргарлик ишлари тугалланди. Эртага ўтадиган Наврўз шодиёналарида фарғоналик санъаткорлар ланару алёрлари билан, сурхон воҳаси санъаткорлари шўх-шўҳ ўланлари билан, сирдарёликлар эса мавсум қўшиқлари билан меҳмонларга олам-олам завқ бағишлашга шай.

СУРАТЛАРДА: байрам тадоригидан лавҳалар.

Нўрмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.



ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Бугун дунёни ахборотсиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам, жаҳонда ахборот воситалари, тизимлари, технологиялари йилдан-йилга ривожланиб, кенгайиб бормоқда.

Ўтган «Глобаллашув шароитида халқаро сиёсат ва халқаро журналистиканинг долзарб масалалари» мавзусидаги конференцияда юқоридаги саволларга жавоб изланди.

Халқаро муносабатлар институти профессори С.Чуров, Жанубий Корея Республикаси Кемёнг университети халқаро журналистика факультети профессори Я. Ю Хёе, сиёсий шарҳловчи Ш. Қудратхўжаев, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети профессори Ф. Мўминов ва бошқаларнинг маърузалари тинланди.

Ўз мухбиримиз.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Бу йил мамлакатимизда баҳор анча серёгин келиши кутилмапти. Юртимиз тоғли ҳудудларида тошқин, сел, кўчки каби кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши эҳтимоли мавжуд. Шу боис Вазиirlар Маҳкамаси 7 март куни "Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечтириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилди.

Ушбу ҳужжатта мувофиқ тузилган тошқин ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш, кўчки ҳодисаларининг олдини олишни таъминлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Хали эмас. Тоғолди ҳудудларида сел оқими кузатилиши мумкин. Бу эса барча сув омборларида зарур миқдорда захира учун жой қолдиришни талаб этади.

Иқлимнинг декабри ҳамда жорий йил январь-март ойлари мобайнида мамлакатимизда ёғин миқдори меъёридан анча ортиқ бўлди. Бу эса, "Бошгидромет" бошқармаси тахминларига кўра, баҳор-ёз ойларида кўпгина дарё-сойларда тошқин ва сел оқимларини, қор кўчкиси каби ҳодисаларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳозирги кунга қадар тоғ ва тоғолди ҳудудларида ўндан зиёд кўчки кузатилди.

"Бошгидромет" бошқармаси маълумотларига қараганда, апрель-май ойларида кўп миқдорда ёғин ва жала ёғиши ҳамда тоғ чўққиларидаги қорнинг тез эриши эҳтимолдан бошқарди.

Ийғилишда бир қанча вилоятларда тоғолди ҳудудлари, дарё ва сойлар бўйида ҳамда шунга ўхшаш хавфли зоналарда айрим фуқароларнинг руҳсатсиз равишда турли иморатлар қураётгани, ердан қонунига зид равишда фойдаланяётгани билан боғлиқ ҳолатлар мавжудлигига эътибор қаратилди. Бундай ҳолатларга зудлик билан барҳам бериш, фуқароларни хавфсиз жойларга вақтинча еки доимий кўчириш, фавқулодда вазиятлар ҳақида аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш зарурлиги уқтирилди.

Ийғилишда Бош вазиr уринбосарлари Р.Юнусов ва Н.Юсупов иштирок этди.

(ЎзА).

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ — ҲАЁТ УЧУН КУРАШ!

Статистик маълумотларга қараганда, гиёҳвандликка қарши кураш — ҳаёт учун кураш, демократия.

Шу ўринда Ўзбекистон раҳбарининг йиллар давомида жаҳон ҳамжамиятини Афғонистонда етиштирилган гиёҳванд моддалар нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунёга таҳдид соҳибини қайта-қайта огоҳлантириб келганини таъкидлаш жоиз. Президентимизнинг гиёҳвандликка, террорчиликка қарши курашуви халқаро марказлар ташкил этиш зарурлиги тўғрисидаги таълиқлари бугунга келиб нақадар ҳаётий эканлиги ўз тасдиғини топди.

Пойтахтдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) томонидан молиялаштирилган "Ўзбекистон ва Тожикистонда гиёҳ-

ИРОҚ МУАММОЛАРИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Дунёнинг барча минтақаларида бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам эзгу ниятли инсонлар Ироқ атрофидаги воқеаларни зийраклик билан кузатиб туришмоқда. Террорчиликка қарши дунёвий урушда соғлом кучлар галиб келиши муқаррар.

Кеча Олий ва ўрта махсус таълим вазиrлигининг ахборот-коммуникация бўлимида олий таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида "Ироқ теваригида вуқудга келган муаммолар моҳияти" мавзусида бўлиб ўтган анжуман шу нуктадан назардан эътиборга сазовордир.

Худди шу мавзуда йилнинг қатнашчилари ҳузурида халқаро шарҳловчи Х. Нуриддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Стратегия, минтақаларо тадқиқотлар институти директори

Анжуман

Озод РАҲАБОВ, ЎзА мухбири.

Амалий хусусийлаштириш сари

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раиси Маҳмуджон АСҚАРОВ «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари саволларига жавоб берди

Мамлакатимизда корхоналарни давлат таърифидан чиқариш ва акциялаштириш, хусусий секторнинг иқтисодийдаги саломини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бу ўз самарасини бераётир. Масалан, биргина 2002 йилда қарийб 2 мингта давлатга қарашли корхона ва объектда мулк шакли ўзгаришилди, бу белгилашганидан 1,5 баробар зиёддир.

каттагина қисми — 1 минг 260 таси тўлиқ хусусий мулкка айлантирилди. Хусусийлаштирилган корхоналарнинг акциялари, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан 2001 йилдаги нисбатан 2,6 марта кўп сотиб олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айни пайтда ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизи хусусий сектор ҳисса-

синга тўғри келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раиси Маҳмуджон Асқаров билан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари ўртасида бўлиб ўтган бевосита мулоқот ҳам мулкни хусусийлаштириш жараёнига фуқароларнинг қизиқишлари жуда катта эканлигини кўрсатди.

БЮРО ИШ БОШЛАДИ

Мазкур бюро Германия Федератив Республикаси ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳукуматларо шартномалар асосида фаолият олиб боради.

тож аҳоли туруҳурига қўмаклашиши, янги касб таълиш учун қатта ёшлагиларга таълим бериш имкониятларини янада кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Замон ЭШОНҚУЛОВ, ЎзА мухбири.



(Газетанинг 3-саҳифасига қаранг).

(Давоми 2-бетда).

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШБАНКИ





«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

Ўзбекистон халқини, акциядорлари
ва банк миждозларини**НАВРЎЗ**байрами билан чин юракдан
табриклайди.

Сизларга сўхат-саломатлик, оилавий бахт,
бизнесингизнинг равнак, топшида кайта
иждоий муваффақиятлар тилаймиз.
Муштақил Ўзбекистоннинг ривожланиши
ийлида бундан сўнг ҳам хормай-толмай
фаолият юритишингизни тилаб қоламиз.

АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» жисмоний
шахсларга «CONTACT» тармоғи орқали чет эл
валютасида пул ўтказиш хизматини
таклиф қилади.
«CONTACT» жисмоний шахслар ўртасидаги пул
ўтказмалари тармоғи ҳисоб-китоблар
иштирокчилари бўлган банклар ўртасидаги
вакиллик муносабатларига асосланади.
Пул ўтказмалари соддалаштирилган
тарзда МДХ ва узоқ хорижий
давлатлар ўртасида
амалга оширилади.



Маълумот учун телефонлар: 120-45-24, 120-45-17, 120-45-38.

«Капитал банк»

кўп миллатли Ўзбекистон
халқини, хусусан, ўз акция-
дорлари ва миждозларини
баҳор ва янгуланиш
байрами — **Наврўз**

билан муборакбод
этишдан мамнун
эканлигини изҳор этади!

Сизга бахт,
кувон,
фаровонлик
ва барча
ишларингизда
омадлар
тилаيمиз!



capital bank

Тўқимачилик маҳсулотлари импорти ва экспорти билан шуғулланадиган

«CHINATEX»

Хитой миллий корпорацияси

серқуёш Ўзбекистоннинг кўп миллатли меҳнатсевар халқини
ва меҳмонларини баҳор байрами —

НАВРЎЗбилан самимий
қутлайди.

Ана шу саховатли заминдаги ҳар бир оила ва хонадонга тинчлик-тотувлик,
бахт-саодат, меҳру муҳаббат, фаровонлик тилайди.

Тўқимачилик маҳсулотлари импорти ва экспорти билан
шуғулланадиган «CHINATEX» Хитой миллий корпорацияси ярим асрдан
ортиқ тарихга эга. Бугун компаниянинг ўттизга яқин корхона ва
ваколатхоналари дунёнинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан,
Ўзбекистонда ҳам олти йилдан бери фаолият юритиб келмоқда.

Фаолиятимизнинг асосий йўналиши — Хитойга пахта толаси, пахта
момиғи, йиғирилган ип, матолар ва бошқа рақобатбардош тўқимачилик
маҳсулотларини етказиб беришдан иборат. Шунингдек, ун, целлюлоза,
майиз ва қуруқ мевалар каби маҳсулотларни ҳамкорликда Хитойга етказиб
бериш таклифларини кўриб чиқишга тайёрмиз. Бу юртда буйича Хитойдан
Америка ва Европада ўта харидорсиз бўлган юқори сифатли болалар, аёллар
ва эркеклар тайёр кийим-кечақлари ҳамда пахта толаси, чигити ва
момиғини қайта ишлайдиган халқаро стандарт сертификати эга бўлган
янги тўқимачилик ва пахта тозалаш ускуналари ҳамда прессларни,
шунингдек, қўшимча равишда компьютер техникаси, тегирилган, қоғоз,
ёғ, гўшт, товуқ, гуруч етказиб беришимиз мумкин. Фаолиятимиз соҳалари
сизда қизиқиш уйғотган бўлса, бизга мурожаат қилинг.



МАНЗИЛИМИЗ:

700031, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, В.Воҳидов кўчаси, 104-уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: 998 (71) 120-80-81, 120-80-82, 120-80-83. Факс: 998 (71) 120-80-80.
E-mail: Tashkent@chinatex.uz (URL): http://www.chinatex.com

Наврўз — эзгулик, тотувлик ва
меҳрибонлик байрами!



«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

барча ватандошларни
НАВРЎЗ АЙЁМИ
билан муборакбод этади!

*Мустақиллик шарофати тўфайли Наврўз чин
маънодаги меҳрибонлик ва сазоват айёмига айланди.*

*Шу сабаб ушбу гўзал байрамнинг ҳаётбахш
зиёси қалбимизни, ҳаётимизни, ҳонадонимизни
иймон нури ва меҳр-оқибат тўйгулари билан
нуралашон этмоқда.*

Азиз юртдошлар!

*Сизларни Наврўз айёми билан қутлар
эканмиз, тинчлик, омонлик ва бахт-саодат
ҳамиша ҳамроҳингиз бўлишини тилаймиз.*

*Гўзал ва бетакрор юртимизга қувонч
олиб келган Наврўз шодиёналари
Ватанимиз сарҳадларини ҳеч қачон
тарк этмасин, хонадонингизга файзу
барака кирсин, чехраларингиз доимо
шодлик ва табассум нуридан
мунаввар бўлсин.*

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ БАНКЛАРИДАН БИРИ —

АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ

«Пахта Банк»и

серқуёиш Ўзбекистонда истиқомат
қилаётган барча юртдошларни, ўз
акциядорлари ва мижозлариниНаврўз айёми билан
самимий муборакбод этади!Байрам шарафига 6 ой ва 1 йил муддатга
очилиб, омонатнинг муддати ва миқдорига мута-
носиб равишда йиллик **42 фоиздан 50 фоизгача**
даромад тўланадиган янги «ОБОД ЮРТ»
жамғарма омонатини таклиф этади.Ушбу қувончли кунларда ҳар бир
хонадонга бахт-саодат тилайди!«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНИЗ
КАЛИТИДИР!ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚИЁТ БАНКИНИНГ
КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС (КЎБ-2) УЧУН КРЕДИТ ЛИНИЯСИКредитлар - \$50 000 дан \$1 000 000 гача
Йиллик фоиз ставкаси - LIBOR+Банк маржаси
Кредит муддати - 5 йилгача
Кредитни қайтариш учун 2 имтиёзли йил
Молиялашда тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар
Кредитни таъминлашда эгилувчан муносабат

КРЕДИТНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ:

- АҚШ долларидан бериладиган кредитлар, кредит линияси тижорат банк ҳамкорлари орқали берилди:
 - ўрта ва узок муддатли лойиҳалар ва (ёки) яратилиш, модернизациялаш, саноат ва ишлаб чиқариш объектларини кенгайтириш ва диверсификациялаш инвестициялар дастури ҳамда хизмат кўрсатиш сектори компанияларини молиялаштириш;
 - аниқ лойиҳа ёки инвестиция дастурлари учун зарур саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари айланма капитални ишлаб чиқариш мақсадида ёки хизмат кўрсатиш сектори компаниялари учун қўшимча ва бошланғич айланма капитални молиялаштириш;
 - экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва эркин конвертацияланадиган валютада фойдага эга саноат корхоналарини бундай экспорт молиялаштириш муддати 360 кундан ошмаслиги шарти билан экспорт ва экспортдан олдин молиялаштириш учун берилди.
- Кредитнинг энг кам миқдори - \$50 000.
- Кредитнинг максимал миқдори - \$1 000 000.
- Кредитни қайтариш муддати — 5 йилгача, 2 йил имтиёзли муддати билан, айланма маблағлар ва экспорт кредитларидан ташқари ҳамма ажратилган кредитлар қайтариш муддати 12 ойдан ошмайди.
- Кредитнинг қайтариш муддати кредит олувчи ва ҳамкор банк билан бизнеснинг мавсумлиги ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади.
- Ҳамкор банкка тўланадиган ставкаси LIBOR + банк маржаси ташкил қилади. (олти ойлик US\$ LIBOR кредит фоиз ставкаси охириги йиллари 1,7-4,0 фоиз атрофида бўлган, 2003 йил 28 февраль ҳолатига кўра, олти ойлик US\$ LIBOR миқдори 1,35 фоиз).
- Тақдим этилган гаров активлари (ҳамкор банк баҳолайди) кредит бошланғич миқдорининг 120 фоизини ташкил этиши лозим. Гаров буюми сифатида банкни қониқтирган мулк, жумладан, кредит ҳисобига олинган ускуна, кўчмас мулк, транспорт воситаси ва бошқалар. Гаров кредит олувчи ёки кафил томонидан тақдим этилиши мумкин.

КРЕДИТ ОЛУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРГА АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

- Ўзбекистонда рўйхатга олинган жисмоний шахс бўлиши керак.
- Кредит берувчи ҳамкор банклар билан турдош бўлган корхоналар иштирок эта олмайди.
- Қарз/Капитал муносабати лойиҳани амалга оширишдан аввал ва амалга ошириш жараёнида 75:25 нисбатидан ошмаслиги лозим.

ЛОЙИХАЛАРГА АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

- Ҳар бир лойиҳа ҳамкор банк томонидан баҳоланади, бунга бизнес-лойиҳаси таҳлили ҳам кирилади.
- Лойиҳа қимор ўйинлари бизнеси, тамаки маҳсулотли, алкоголь ичимликлар (таркибида >15 фоиз алкоголь бўлган), қурол-яроғ ёки ЕТБ Табиотни муҳофаза қилиш рўйхатига киритилган товар ва фаолиятига алоқадор бўлиши керак эмас.
- Лойиҳалар ҳажми 50 000 АҚШ долларидан 1 000 000 АҚШ долларигача.
- Кредит олувчи лойиҳанинг 25 фоизини ўз маблағидан қоплаши зарур. Бу асосий воситалар, хомашё ва бошқа активлар, жумладан, пул маблағлари бўлиши мумкин.


ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲАМКОР БАНКЛАРДАН ОЛИШ МУМКИН

Ўзбекистон ТИА Миллий банки
Лойиҳаларни молиялаш бўлими
Тел.: (371)137-62-73.
Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 101.ДАТ «Асака» банки
Лойиҳаларни молиялаш бўлими
Тел.: (371)120-84-20, 120-83-80.
Тошкент ш., Нукус кўчаси, 67.ДАЖ «Ўзўйжойжамғармабанк»
Лойиҳаларни молиялаш бошқармаси
Тел.: (371)136-13-08, 133-11-22.
Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 17.АТ «Пахта Банк»и
Лойиҳаларни молиялаш бошқармаси
Тел.: (371)120-88-07.
Тошкент ш., Мўминий кўчаси, 43.АТСК «Ўзсаноатқурилишбанк»
Лойиҳа ва савдо молиялаштириш бошқармаси
Тел.: (371)120-45-75.
Тошкент ш., «Шахрисабз» кўчаси, 3.

ҲОМИЙЛАР

Staatssekretariat für Wirtschaft
Secrétariat d'Etat à l'économie
Segreteria di Stato dell'economia
State Secretariat for Economic Affairs
seco
ШВЕЙЦАРИЯ ИҚТИСОДИЙ
ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИUNIC
«ЎЗБЕКИНВЕСТ»
ЭИМСК

ТАШКИЛОТЧИ

European Bank
for Reconstruction and DevelopmentЕвропа Тикланиш ва тараққиёт банки, Швейцария Давлат
иқтисодиёт қўмитаси ва «Ўзбекинвест» экспорт-импорт
миллий сугурта компанияси ЕТБ кичик ва ўрта бизнес
кредит линияси доирасида «Бизнес лойиҳалар
кўриги» бошланганлиги ҳақида эълон қилади.«АСАКА БАНК»
ДАКЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
БАНКИ«ПАХТА БАНК»
АК«ЎЗСАНОАТ-
ҚУРИЛИШБАНК»

«ЎЗЎЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК»

ИШТИРОКИДА

Лойиҳалар ҳақида \$ 50 000 дан \$1 000 000

Офисингиз учун компьютер ва оргтехника каби қимматбаҳо мукофот
олиш, шунингдек, бизнесингиз учун бепул сугурта полисларига эгаллик
қилиш имконияти!Қизиқиш билдирган компания ва ишбилармон учун ахборот
куни 2003 йил 25 март соат 10.00 да «Шодлик Палас»
меҳмонхонаси мажлислар залида бўлиб ўтади.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Пахтакор» кўчаси, 5.Олдиндан рўйхатдан ўтиш ва қўшимча маълумот учун
телефонлар:

(371) 136-00-55, 136-79-15

Кўриқнинг расмий саҳифаси: www.bpuz.comКўриқнинг PR-кординатори «SAIPRO» компанияси
«UzReport.com» ва «БВВ» ҳафтанома ахборот
кўмаги билан.

Ўзбек дўпписи

ёки Фафур Фулом дўпписи ҳақида сўз

Гарчи Замиш битта, битта одамзот,
Вале тури миллиат, тури наса, зот.

Тиллари турлидир, тақдирлар турли,
Хаттоки турлидир қуллигу хурлиқ.

Расм-русумлари эътиқоду дин
Бир туслик дўпни ёдирар бетин.

Тангри ўзи шундоқ пратмиш — турли,
Балки бу шарофидир, балки кўрсулик.

Қўл қуруқ гаплардан чарчаган одам,
Ечимга келсин-у, ўтирса бир дам.

Сўзи ва амали бир бўлган инсон
Англар дунёга ҳам мезбону меҳмон.

Бир шовр ҳақида қурайлик суҳбат,
Бутун бир эл-юртга бўлган ибрат.

О, демак, аёндир турфа хил олам,
Ки, турфа ҳар улус бош кийими ҳам.

Ҳар миллиат фахр этиб кийгайдир уни...
Ўзбек дўпписини ёв отди бир кунини —

Оёқлар остида топталди дўппи,
Тўқлар остида топталди дўппи.

Йиртдилар беомон, пора қилдилар,
Оқ номин, оқ гулин қора қилдилар.

Ўтди қанча йиллар, балки асрлар,
Улар тўртгоҳда қўшди сирлар.

Бир шовр тугилди бу кўна Шовда,
Не тонки! Дўпписи бор эди бошда!

Гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон калованди ёв,
Битта дўппи билан жилаованди ёв.

Халқнинг ор-номусин ботир кўтаргай,
Ботири бўлмаса шовр кўтаргай.

Дўппи — гуфур Фафур Фулом бошида,
Не зотлар бош эди унинг қошида.

Каттақон оламнинг қай жойида у,
Қай дарвешона саройида у,

Бошидан қўймади ўзбек дўпписини,
Ўзбегини дўпписини — ўзбек дўпписини!


Тушуник бўлсин деб кимса, аларга,
Уни алмашмади тожур зарга!

О, бузун Ватаним озод, музаффар,
Ўз туғро, Байроғи, Мадҳияси ёр!

Каттаю кичири — ёшида дўппи,
Жаҳжж Фафурларини бошида дўппи.

Азим! Олам турли, одамзот турли,
Ўзбегини бошида дўппи мангулик!

Азим СУЮН.



...Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.
Рўзват ЖУМАНИЕВ (ЎЗА) сурат-лавҳаси.

Янги мавсум бошланди

Миллий чемпионатимизнинг 12-мавсумига старт берилди. Ҳар йилгидан фарқи ўлароқ, бу йил чемпионлик учун беллашув кескин курашлар билан ўтиши кутилмоқда. Утган мавсумда «Пахтакор» ўзини кўрсатиб, чемпионликни ҳам, кубокни ҳам қўлга киритган эди. Бу йил қандаш шаштидан қайтмаслиги таянч бўлиши керак. Бундан ташқари Осиё чемпионлиги ҳам, кубокни ҳам қўлга киритган эди. Бу йил қандаш шаштидан қайтмаслиги таянч бўлиши керак. Бундан ташқари Осиё чемпионлиги ҳам, кубокни ҳам қўлга киритган эди. Бу йил қандаш шаштидан қайтмаслиги таянч бўлиши керак.

Дарҳақиқат, футбол бўлиб ҳам жамоага бўлган унинг ҳам, кубокни ҳам қўлга киритган эди. Бу йил қандаш шаштидан қайтмаслиги таянч бўлиши керак. Бундан ташқари Осиё чемпионлиги ҳам, кубокни ҳам қўлга киритган эди. Бу йил қандаш шаштидан қайтмаслиги таянч бўлиши керак.

Футбол

такор»даги илк уйинини гол билан бошлади.

Домо чемпионлик учун курашадиган Саркисан шогирдлари олий лиганинг янги жамоаси «Гулистон» билан бўлган уйинда унга ҳеч қандай имконият қолдирмади: 4:0. Наманганликлар ҳам шохсупада юришлари соғина қўйишди. Янги мавсумга таралдуд қўраётган пайтда «Навбахор» анча шов-шувлар кўтарган эди. Жамоага россиялик тажрибали Игор Вальчоннинг бош мураббий

Халқ банки — халқ хизматида

Қашқадарё вилояти Халқ банки тизимнинг барқарорлигини таъминлаш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб қилиш, банк ресурслари самарадорлигини ошириш, замонавий банк хизмати унинг янги турлари ҳисобига кенгайтириш йўлида белгиланган режа асосида фаолият юритмоқда. Яқинда Қарши шаҳрида «Халқ банкида ислохотлар самараси ва унинг ривожланиш истиқболлари» мавзусида республика семинари ўтказилган бу жамоа ишига берилган юксак баҳоқдор.

Ҳақиқатан ҳам, вилоят Халқ банки ходимлари томонидан 2002 йил давомидида кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, аҳоли қўлидаги вақтинча бўш турган пул маблағларининг омонатга жалб қилиниши натижасида умумий омонат қоллиги 492,3 фоиз кўпайиб, буғноғи йилдаги нисбатан бир омонатчага тўғри келадиган омонат миқдори 223 фоиз ўсди.

2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан бу ерда аҳоли учун қўлай ва имтиёзли бўлган янги омонат турлари жорий этилган эди. Жумладан, «Саховат» ва «Қадрият» деб номланган қисқа муддатли, ютуқли омонатларнинг ҳар бирига қарийб 100 млн. сўмдан маблағ жалб этилишига эришилди. 2002 йилнинг августидан бошлаб жорий қилинган, йилга 30 фоизли қисқа муддатли «Фахрий» ютуқли омонатга эса салкам 50 млн. сўм маблағ туширилди. Айниқса, утган йилнинг ноябрь ойидан амалга киритилган «Ассалом, Янги йил» ютуқли омонат тури миқдорлари катта қизқиш уйғотди. 1 та 1 млн. сўм, 2 та 500 миң сўм, 20 та 50 миң сўмдан ва бошқа ютуқлар жамғармасига эга ушбу омонатга атиги 40 кун ичида 50 млн. сўмга яқин аҳоли бўш пул маблағлари жалб қилинди.

Эътиборли томони шундаки, Халқ банки бўлимлари орқали аҳолининг дастлабки омонатларини қабул қилган молиявий муассаса қаерда жойлашилган қатъи назар, миқдорнинг биринчи талабига қўра, нақд пул маблағларини чекланмаган миқдорда берилиши йўлга қўйилди. Бу, албатта, омонатчиларнинг банкка бўлган ишончини орттирди. Шу билан бирга, банк

аҳолидан электр қуввати, газ, сув ва бошқа турдаги коммунал тўловларни қабул қилишда юзта келган қарздорликни қоплаш, муҳими, миқдорларга қўлайликлар яратиш мақсадида кўчма кассалар очди.

— Бугунги кунда 350 дан ортиқ шохобчамиз мавжуд, — дейди вилоят Халқ банки бошқармаси бошлиғи Норбобо Усмонов. — Ушбу шохобчаларимиз асосан аҳолига қўлайлик туғдириш ва ҳар бир одамнинг банк хизматидан фойдаланишини таъминлаш учун мавжуд маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари қошида, йирик қорхона ва ташкилотлар ичида, ўқув юртилари ва бошқа жойларда ташкил этилган. Уларнинг ҳаммаси замонавий серверлар, IBM русумидаги компьютерлар билан таъминланган.

Бундан ташқари, валюта бозорини эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтириш мақсадида жойларда валюта айирбошлаш шохобчалари ҳам ишлаб турибди.

2002 йилнинг октябр ойида, шунингдек, Халқ банки тизимиде янги хизмат тури — Вестерн Юнион халқаро пул ўтказиш тизими йўлга қўйилди. Ушбу тизим аҳолига пул маблағларини тез ва қисқа муддат ичида етказиб бериш имкониятини яратиб берди. Утган даврда 270 дан ортиқ жисмоний шахс чет эл маблағлари билан таъминланди. Ҳозирда бу тизим орқали вилоятдан чет эл давлатларига ҳам маблағлар жўнатилмоқда.

Халқ банки бўлимлари кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, 2002 йил мавсумида уларга 424,7 млн. сўмдан зиёд қисқа ва ўрта муддатли кредитлар аж

Акциядорлар диққатига!

«СИРДАРЁПАХТАСАНОАТ» ТИЗИМИДАГИ «БОЁВУТ ПАХТА ТОЗАЛАШ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

навбатдаги умумий йиғилиши
2003 йил 3 апрель кунини соат 13.00да жамият биносида ўтказилади.
Барча акциядорларни йиғилишга таклиф этамиз.

КҮН ТАРТИБИ:

- Жамиятнинг 2002 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари тўғрисида жамият раиси ҳисоботи тақдим қилиш.
- 2002 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва олинган фойда асосида дивидендларни тасдиқлаш.
- Жамият аудитори ҳулосасини тасдиқлаш.
- Жамият Кузатув кенгашини қайта сайлаш.
- Жамият раисининг ишга ёллан шартномасини тузиш ва тасдиқлаш.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги 3202-Ф-сонли Фармони талабларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида. Низом жамғармасини ошириш.
- Жамият раисининг 2003 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш.
- Шарҳ ҳар хил масалалар.

Манзил: Сирдарё вилояти, Боёвут тумани, «1-Боёвут» КХК заводи биноси.
Кузатув кенгаши.

ҚАССОБГА ЖОН ҚАЙҒУСИ

ёки қотил ёлламоқчи бўлган кимсанинг шум нияти амалга ошмай қолгани хусусида

Шом тўқдан маҳалда маҳаллада дув-дув гап тарқалди: — Эшитдингизми, қўшнимиз Назирани уч эркак ўғирлаб кетибди. Гушт дўконига ёнида қўлларини қайриб машинага тиқибди.

Бу гап-сўзларни шу маҳаллада яшовчи қасоб Баҳром Қосимов бамайлихотир эшитди. «Оббо, Шодиёрбегай, зўр йўлни танлабсан-да!» дея мийғида кулиб ҳам қўйди. Хурсандчилигидан пийлани тўқдириб ароқ кутарди. Бу билан кайфи янада чоғ бўлди.

Кейин кераклик телефон рақамларини тира бошлади. Гушакдан таниш овозни эшитиб, чекис ҳажон ичида миннатдорчилик билдирди.

— Эртага ўша жойда учрашамиз, пулларни ҳам олиб бораман, — дея гушакни қўйди.

Келинган пайтни мўлжаллаб Баҳром Қосимов «Сўдиёна» даҳасидаги туғруқхона томон елди. Унинг бошқарувидаги «ГАЗ-21» машинаси туғруқхона рўпарасига келиб тўхтаган чоғда Шодиёр ва Шерзод ҳам етиб келишди.

Оз-ошан отилган, қасоб келишув учун фўрат етганини аналди.

— Қўшнимиз Назира Аҳорова кўп йиллардан бери менга тинчлик бермайди, — дея гап бошлади Қосимов. — Унинг онаси Москва шаҳрида ишлаб, катта бойлик орттириб келди. Назирани ўлдириб пулларига эгалик қилинг. Агар ҳалақат қиладиган бўлса, онасини ҳам аяб ўтирмаслик керак. Хизмат ҳақи эвалди 100 миң сўм берман.

Келишувдан кўнгли тўлган Баҳром Қосимов эртасига Шерзодга Назиралар уйини кўрсатди ва ҳовлига қандай йўл билан кириш мумкинлигини тушунтирди. Ҳамир учидан патир, дея унга 30 миң сўм пул узат-

ди. Хайрлашиш чоғида бу ишни тезроқ бажаришни илтимос қилиб, эртаси кунни яна хабар олишини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, қасобнинг нияти силлиқ амалга оширишдан умидвор Б. Қосимов яна Шодиёрнинг келиди. Бу гап уни мезбон вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан тезкор талбирини ўтказишга жалб қилинган милиция ходими Шерзод Шамсиев билан кутиб олади.

— Шеригим Тожикистондан келган. Ҳозир у қили-

рувда, — деб милиционерни жиноятчи сифатида таништирди Шодиёр.

Баҳром Қосимов ўзи ёлдаётган бу кишилар ҳақиқатан қотиллик ва босқинчиликқа қўл уришди. «Кимёгарлар» қўрғонига қараб йўл олишди. Қуруқ қўл билан бормаслик мақсадида Қосимов озик-овқат, спиртли ичимлик харид қилди.

Шундан сўнг вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан Қосимов режалаштирган жиноятни фўш этишга қаратилган тезкор талбирлар ўтказишга киришилди. Ана шу тадбирга мувофиқ, Назира Аҳорова «куч ишлатилган» ҳолда уйдан олиб кетилди. Унинг ўлдирилгани ҳақида маҳаллада гап тарқалди. Шум ниятининг амалга ошигани ишонч ҳосил қилган Баҳром Қосимов Шерзодга хизмат ҳақи — 60 миң сўм бераётган пайтга қўла олинди.

Шу тариқа яқин инсонларнинг, милиция ходимларининг ҳушёрлиги туфайли она-боланинг ҳаёти, уларга тегишли мол-мулк сақлаб қолинди. Қотил ёлламоқчи бўлган кимсанинг шум нияти амалга ошмади. Ва у суд



деб тушунадими-ю, қандай бўлмасин, ундан ўч олиш пайига тушади. Охири-оқибат эса ўзи қўйган тузўққа ўзи илинади.

Табийки, улар ўртасидаги келишмовчиликдан бутун маҳалла баҳрадор эди. Аммо ҳеч ким ёлма-ён яшаётган ички қўшниминг кун сайин бир-бирига душманга айланиб бораётганига эътибор қилмади. Бу воқеа нафақат Богришамол туманидаги «Наврў» маҳалласи, барча маҳалларда ахлига сабоқ бўлиб қолиши керак.

Тўқтин ИСАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Богришамол тумани судининг раиси.
Абдурусул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Назирани ўлдирдик, мана қўйлаги», дейишди улар машинага ўтиришган, қонга бўялган аёллар қўлагини қасобига кўрсатишиб.

Бунга жавобан Баҳром Қосимов ўтириш тағидаги 60 миң сўмин Шодиёрга узатди. Аммо шу онда у кутмаган, ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган ҳолида рўй берди. Етиб келган милиция ходимлари шум нияти қасобини қўлга олишди.

Баҳром Қосимов 66 ёшда. Опилак. Беш нафар фарзанди бор. Богришамол туманидаги «Наврў» кўчасидаги 4-хонадонда яшаган. Қасоби қасобчилик. Айни

«ХАЛҚ СЎЗИ»
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болев (масъул котиб), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қашқаберов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Хайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтин тартиби № 0001
Буюртма 1 — 253, 34889 нусxada босилди,
ҳажми — 2 тўбик. Ойсет тўлида босилган.
Қотиз бичими А-1
Газета ИВМ компьютерла турида ва операторлар
Жамият ТОВАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ
томонидан сўхилаланди.

Таҳриратда ҳажми 5 қоғоздан зиёд
материаллар қабул қилинмайди.
[] — Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Митбоғчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Хамидов,
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров,
Навбатчи — Х. Эшманов,
Мусоҳиҳ — Ш. Машираббев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти — 21.00. Тошириш вақти — 21.00

1 2 3 4 5 6